



## ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Каримов Азизбек Мадумарович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

ORCID: 0009-0001-6345-892X

[azizbekkarimovmoliya@gmail.com](mailto:azizbekkarimovmoliya@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб хусусан Базель Қўмитасининг қабул қилинган капитал етарлилиги ва рискларни бошқариш ва минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар асосида мамлакатимиздаги тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган рискларнинг банк фаолиятига салбий таъсири, рискларни камайитириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Калит сўзлар:** риск, тижорат банклари, Базель Қўмитаси дастури, кредит, банк рисклари, NPL, Базел I,II,III, I даражали капитал, банкларнинг рентабеллиги

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА

**Каримов Азизбек Мадумарович**

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

**Аннотация.** Данная статья состоит из разработки практических предложений по негативному влиянию риска на банковскую деятельность в нашей стране на основе мирового опыта в частности норматива достаточности капитала, принятого Базельским комитетом и мер, направленных на управление рисками и их минимизацию.

**Ключевые слова:** риск, коммерческие банки, Базельский комитет, кредит, банковские риски, NPL, Базел I,II,III, I степенный капитал, банковская рентабельность

## IMPROVING THE PRACTICE OF RISK MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

**Karimov Azizbek**

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article consists of developing practical proposals on the negative impact of risk on banking activities in our country based on international experience, in particular the capital adequacy ratio adopted by the Basel Committee and measures aimed at risk management and minimization.

**Key words:** risk, commercial banks, Basel Committee, credit, banking risks, NPL, Basel I,II,III, I power capital, banking profitability.

### **Кириш.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг айниқса сўнги йилларда банклар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда молиявий секторни ислоҳ қилишда давомида қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси шунингдек банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Жаҳонда банк рискларини бошқариш ҳамда уларни мониторинг қилиш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар натижасида нафақат банк тизимининг инқироз ҳолати авж олишига, балки молия бозорининг бошқа сегментларига ҳам трансформацияланиши ҳисобига мамлакат даражасида тизимли рисклар юзага келади. Хусусан, дунёда энг ривожланган давлат деб билганимиз Америка Қўшма Штатларида тижорат банклари ва ипотека ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар салмоғини кўпайиши натижасида, ишончли бўлмаган кредиторлар орасида кредитни ўз вақтида қайтарилмасликни ортиб кетиши, молия бозорида ипотека қимматли қоғозлари инвестицион жозибадорлигини тушиб кетишига олиб келди.

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинган (Фармон, 2020). Унга кўра банк соҳасида бир қатор ислоҳатларни амалга ошириш лозимлиги билдирилган. Хусусан мамлакатимизда банк соҳасига давлат аралашувини камайтириш мақсадида, 2025 йилга бориб давлат улуши бўлмаган банк активларини ҳозирда 15 фоиздан 60 фоизгача ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида” банк тизимида халқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларга банкларнинг бардошлилигини таъминлаш мақсадида макропруденциал буферлар яратиш чораларини кўриб бориш устувор вазифалар сифатида белгиланган (Фармон, 2022).

Мамлакатимизда мавжуд банк рискларини мониторинг қилиш тизимининг ҳозирги ҳолатида Марказий банк ва тижорат банкларида мониторинг қилишда ягона ва мувозанат мавжуд эмаслиги, норматив-ҳуқуқий қонунчиликнинг тарқоқлиги ва

услугий таъминотнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермаслиги, банк тизимида рўйхатга олиш компонентининг устунлиги ҳамда таҳлил ва кутилиш функциялари етарли даражада шаклланмаганлиги банк рискларини комплекс мониторинг қилиш миллий тизимини назарий ва услубий жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади.

Банк рискларини бошқаришда аввало юзага келиши мумкин бўлган рискларни мониторинг қилиш зарур. Яъни банк рискларини мониторингини ўтказиш ва ривожлантириш амалиёти ва назарияси нафақат риск-хавфларига доир тезкор маълумотлар олиш имконини беради, балки ушбу йўналишдаги замонавий тенденция ва механизмларини аниқлаш, банк секторларининг ривожланиш даражаси тўғрисида хулоса чиқариш имконини ҳам беради.

Тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган рискларнинг муҳимлилик даражасини эксперт баҳолаш натижалари бўйича юқори аҳамиятли бўлган кредит рисклари бугунги кунда Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида асосий муаммолардан бири дейишимиз мумкин.

Россия тажрибасини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, фоиз таваккалчилигини баҳолаш қуйидаги инструментларга нисбатан амалга ошириш мақсадга:

- банк кредитларининг ўртача фоиз ставкасига;
- банк депозитлари (мажбуриятлари) ўртача фоиз ставкасига;
- жалб қилинган ресурслар ва уларни жойлаштириш ҳисобига;
- шакллантирилган активларнинг муддати жиҳатидан мувофиқлаштирилганлигига.

Рискларни бошқаришга оид жуда кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлиб, тадқиқотчиларнинг аксарияти қисми АҚШ ҳамда Ғарбий Европа давлатларининг иқтисодчи олимларидир.

“Риск” сўзнинг маъносини изоҳлашда олимлар деярли бир хил фикр билдирсаларда, бироқ уларнинг қарашларида айрим тафовутлар борлигини айтиб ўтиш лозим. Масалан:

Райзберг ва бошқалар (2006) “хавф” тушунчасини изоҳлашда бир хил фикрда бўлиб, таваккалчиликни “ноқулай вазиятларда иқтисодий фаолият шароитларининг тасодифий ўзгариши натижасида кутиладиган фойда, даромад ёки мулк, маблағларнинг кутилмаган йўқотиш хавфи” деб таъкидлайдилар (Райзберг, 2006). Банк бошқарувчиларидан ҳамда йирик тадбиркорлардан ҳозирги кунда иқтисодий соҳанигина эмас балки дунёда бўладиган воқеаларни ҳам ўрганиб чуқур таҳлил қилиб бориш талаб этилмоқда. Бунинг сабаби эса иқтисодий ўзгаришларни олдиндан таҳлил қилиб, иқтисодий йўқотишларга учрамасликдир.

Лаврушин (2014) банк рисклари ҳақида тўхталиб “Банк rischi эҳтимолий ҳодисанинг қиймат ўлчови бўлиб, у йўқотишларга олиб келади” деган фикрларни билдирган. Лаврушин ушбу фикрига қўшила олмаймиз сабаби рисклар доим ҳам йўқотишларга олиб келмаслиги мумкин. Яъни рисклар натижасида кутилганданда кўпроқ фойда келтириши мумкин.

Берч (2015) “Ҳар қандай компаниянинг таваккалчиликни бошқариш фалсафасининг асосий таркибий қисми унинг риск аппетитини аниқлашдир. Риск аппетити компаниянинг молиявий ва операцион имкониятларига, ўсиш суръатларига ва манфаатдор томонлар томонидан рентабеллик истиқболларига қараб, юзага келиши мумкин бўлган риск миқдорини акс эттиради” деб тарифлайди. Айнан риск аппетитининг тўғри аниқланиши кўпгина банклар ва компанияларга глобал молиявий беқарорлик даврида иқтисодий кризисдан қочишга имкон беради. Риск аппетити даражасини аниқлаб, ҳар бир тижорат банк рискларни бошқариш соҳасида ишлашнинг ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқади.

Классик иқтисодчи олимлардан бири Кейнс (1999) эса фоиз ставкаси ва унинг меёри ҳақида фоиз меёри бозорда капиталдан фойдаланганлик учун тўланадиган баҳо сифатида аниқланади деган фикрни билдирган. Банклар фаолиятининг асосий қисмларидан бири фоиз олишдир. Яъни кредит фоизи, кўрсатилган хизматлар учун фоиз ва бошқалар. Ушбу фоизларнинг қанчалик бўлишини бозор белгилаб беради. Мисол учун авто кредитларга тўхталадиган бўлсак, аҳоли орасида ушбу кредит тармоғига талаб юқори бўлганлиги сабабли унинг фоизини 30 ва ундан ортиқ бўлса ҳам ундан фойдаланишмоқда.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқод жараёнида тижорат банклари рискларини бошқаришни мамлакатимиздаги тижорат банклари мисолида таҳлил қилиб мавжуд муаммоларни ечимлари келтириб ўтилди. Адабиётлар шарҳида иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлари таҳлил қилиниб ўз фикр ва мулоҳазалар билан бойитилди. Тижорат банк рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш бўйича керакли илмий ва амалий тавсиялар берилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш бўйича “Ўзбекистон-2030 стратегияси” да ҳам бир қатор вазифалар белгиланган (Фармон 2023). Унга кўра:

- банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 млрд долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш;
- банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш;
- банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш;
- Камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш;
- судга киритилган даъволар бўйича кредитларга оширилган фоиз ва жарима ҳисоблашни тўхтатиш механизмларини жорий қилиш каби вазифалар белгиланган.

Ривожланган давлатларда молия-банк соҳасини асраб қолиш мақсадида жуда кўплаб маблағларнинг сарфланиши, ушбу бозордаги ҳолатнинг кескинлашувига сабаб бўлди.

Банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш жараёнига актив таъсир қилувчи-халқаро стандартларни жорий қилувчи муҳим ташкилот банк назорати бўйича Базель қўмитасидир (БНБК).

“Базель I”- 1988 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг асосий ғояси банк капиталлари устидан тартибга солувчи назорат тизимини яратиш орқали банк рискларини камайтириш ҳамда йўқотишлар даражасини камайтиришдир.

“Базель II”-банк капиталининг етарлилигини баҳолашнинг янги ёндашувларини ривожланиши натижаси ўлароқ, 2004 йил 26 июнда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янгиланган ҳужжати – Базель II қабул қилинди.

Базель II стандартлари банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ва банк назорати тизимини ривожлантиришга қаратилган ва самарали банк назоратининг энг муҳим тамойилларини амалга оширишнинг аҳамиятли элементларини ўз ичига олади. Базель II ҳужжати учта асосий компонентга (Pillar 1, 2, 3) бўлинган. Уларнинг биринчиси (Pillar 1) капитал етарлилигига қўйилган энг кам талабларни ўрнатади; иккинчиси (Pillar 2) банкнинг капитал етарлилигини назорат қилишни ташкил этишга қаратилган; учинчиси (Pillar 3) эса бозор интизомига риоя этиш, транспарентлик тамойилини йўлга қўйиш ва банклар томонидан қабул қилинадиган таваккалчиликларни очиб бериш бўйича масалаларга бағишланган. Шунингдек, Базель II ҳужжати кредит

таваккалчилигига алоҳида (стандартлашган, ички рейтингга асосланган) ёндашувларни таклиф этади.

Жаҳон мамлакатларида Базель II стандартлари 2006 йил декабр ойида расмий кучга кирди.

“Базель III” дастури: Жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирози ва уни оқибатларини бартараф этиш вақтида барча мамлакатларда, шу жумладан, юртимизда фаолият олиб бораётган банклар фаолияти барқарорлигига эътибор берилган. Дунёда ривожланган 20 талик мамлакатлар вакиллари ўртасидаги йиғилишларда дунёда рўй берган молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва уни оқибатлари, бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди. Ушбу ўтган йиғилишларда бир қанча қарорлар қабул қилинди. Унда энг асосийларидан бири халқаро молия институтлари обрўсини янада ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Базель қўмитасини банк тизимининг барқарорлигини таъминлашдаги талабларини қайта кўриб чиқиш таклифи маъқулланган.

### 1-жадвал

#### Банк капитали етарлилиги бўйича Базель-III талабларини жорий этиш муддатлари (Тегишли молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига) (Базель қўмитаси талаблари)<sup>157</sup>

Кўрсаткич номи	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Асосий I даражали капитал (Оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га минимал талаб	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали			0,625%	1,25%	1,875%	2,5%
Асосий I даражали капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан кўриниб турибдики, I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2014 йил 1 январга келиб, 5,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Асосий I даражали капитал эса (оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2014 йилдан бошлаб, 4,0%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Capital Conservation Buffer) шакллантирилиб, уни меъёрий даражаси 2019 йилга келиб, 2,5% этиб белгиланади. Контрциклик захира капитали (Countercyclical Capital Buffer) мамлакатларнинг шароитидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб, асосий I даражали капиталнинг 2,5 % миқдорида белгиланади (Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 2015 й).

Базель-III дастурида банклар ликвидлигига нисбатан ҳам янги талаблар белгиланган. Жумладан, халқаро бозорларда фаолият юритувчи банклар учун ликвидликни бошқариш бўйича қўшимча талаблар, хусусан, яқин 30 кун мобайнида банкларнинг ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолаш имконини берувчи минимал ликвидлик (liquidity coverage ratio) коэффицентини жорий этилган.

Ликвидликни қоплаш коэффицентини (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банк хисоботлари (2020 й, 2021 й, 2022 й, 2023 йиллар).



$LCR = (\text{юқори сифатли активлар}) / (\text{30 кун мобайнида соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$

Шунингдек, Базель қўмитаси томонидан банк фаолиятида узоқ муддатли ликвидликни тартибга солиш мақсадида соф барқарор маблағлар коэффициентларини (net stable funding ratio) жорий этиш масаласи ҳам қўйилган бўлиб, бу борада якуний тўхтамга келинмаган. Шунга қарамай, соф барқарор маблағ коэффициентларининг янгича вариантыни минимал стандарт сифатида 2018 йил январь ойидан киритиш кўзда тутилган.

1. Соф барқарор манбалар коэффициенти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб

$NSFR = (\text{Мавжуд барқарор манбалар}) / (\text{талаб қилинган барқарор манбаларнинг фойдаланилиши}) \geq 100\%$

Шуни таъкидлаш жоизки, «Базель III» номи билан аталган янги стандартлар дастурида амалдаги «Базель II» талабларини инкор қилмаган ҳолда, унинг янги таҳрири ҳам эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу икки маслаҳат ҳужжати бир вақтнинг ўзида, параллель равишда амалда бўлади.

Банкларнинг рентабиллигининг пасайишига таъсир қилувчи омиллардан бири банклардаги муаммоли кредитлардир.

## 2-жадвал

### Тижорат банкларининг 2020-2023 йилларда кредит портфели ҳамда муаммоли кредитлари бўйича таҳлилий маълумот (млрд.сўм) (Марказий банк 2020-2023 йил)<sup>158</sup>

№	Банклар номи	Кредитлар				Муаммоли кредитлар (НПЛ)				Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши			
		01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
<b>Жами</b>		<b>276 975</b>	<b>326 386</b>	<b>390 049</b>	<b>471 406</b>	<b>5 784</b>	<b>16 974</b>	<b>13 992</b>	<b>18 410</b>	<b>2,1%</b>	<b>5,2%</b>	<b>3,6%</b>	<b>3,6%</b>
1	Ўзмилийбанк	65 598	74 033	89 410	99 423	1 862	3 306	2 638	3 098	2,8%	4,5%	3,0%	3,1%
2	СҚБ	39 898	43 148	48 076	57 124	379	1 630	1 359	1 283	0,9%	3,8%	2,8%	2,2%
3	Асака банк	34 122	37 688	36 742	39 213	1 109	1 819	1 707	1 731	3,3%	4,8%	4,6%	4,4%
4	Агробанк	24 997	32 258	43 846	54 483	308	1 495	1 685	2 071	1,2%	4,6%	3,8%	3,8%
5	Ипотека-банк	24304	29 046	32658	37264	548	972	810	1733	2,3%	3,3%	2,5%	4,7%
6	Халқ банки	18 792	19 596	21 666	24 549	533	3 857	2 584	1 855	2,8%	19,7%	11,9%	7,6%
7	ҚҚБ/БРБ	13823	17 496	20292	21801	210	749	790	1935	1,5%	4,3%	3,9%	8,9%
8	МКБ	8540	10 816	13319	14437	87	642	635	865	1,0%	5,9%	4,8%	6,0%
9	Турон банк	6669	8 129	9431	11894	52	266	242	271	0,8%	3,3%	2,6%	2,3%
10	Алоқа банк	5706	7 754	9162	10294	6	314	186	157	0,1%	4,0%	2,0%	1,5%
11	Пойтахт банк	110	80	74	79	4	2	0,7	2	3,6%	2,5%	0,9%	2,5%
12	Ўз Аг эксп. банк	73	30	6,2		10,37	17	6		14,2%	56,7%	96,3%	
13	Азия Алянс банк	1852			3712	59			55	3,2%			1,5%
14	Ҳамкорбанк	7249	9 334	11423	15854	252	105	67	99	3,5%	1,1%	0,6%	0,6%
15	Капитал банк	4455	8 030	15408	26586	41	235	181	375	0,9%	2,9%	1,2%	1,4%
16	Ипак йўли банк	4947	6 422	8065	11701	156	223	151	251	3,2%	3,5%	1,9%	2,1%
17	бошқа банклар	15 840	22 526	30 472	42 992	168	1 342	950	2 629	1,1%	6,0%	3,1%	6,1%

<sup>158</sup> Markaziy bank malumotlari asosida tayyorlandi.

Тижорат банклари кредит рисларининг таъсири бошқа рискларнинг таъсиридан анча кўпдир. Буни қуйидаги сабаблар билан изохлаш мумкин:

- кредитлар тижорат банклар активларининг умумий хажмидаги салмоғининг юқорилиги;

- берилган кредитларнинг қайтмаслиги банкнинг ликвидлилик даражасини пасайтиради;

- кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтмаслиги натижасида фоизли даромадларнинг камайишига олиб келади. Фоизли даромадлар банкларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъмир қилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики 2021 йил 1 январ ҳолатига тижорат банкларининг кредитлари хажми 277 трлн сўмни ташкил этган бўлса 2024 йил 1 январ ҳолатига бу кўрсаткич 471 трлн сўм (2020 йилга нисбатан 170 фоиз)га ортган. Тижорат банклари кредит портфелидаги муаммоли (NPL) кредитлар хажми ҳам ортган. Масалан 2021 йил бошига муаммоли (NPL) 5,8 трлн сўм ёки жамидаги улуши 2,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январ ҳолатига муаммоли (NPL) кредитлар 18,4 трлн сўм ёки жамига нисбатан 3,6 фоиз (2020 йилга нисбатан 1,5 фоиз)га ортган. Буни тижорат банклари мисолида кўрадиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич Бизнесни Ривожлантириш Банк (олдинги Қишлоқ Қурилиш банки)га тўғри келмоқда, яъни муаммоли (NPL) кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 2021 йил 1 январ ҳолатига 1,5 фоиздан 2024 йил бошига келиб 8,9 фоизга етган. Бу борада иккинчи кўрсаткич Халқ банки кўрсатган 7,6 фоиз (01.01.2021 й ҳолати 2,8 фоиз)га етган. Учинчи кўрсаткич Микрокредитбанк 6,0 фоиз (01.01.2021 й ҳолатига 1,0 фоиз)ни ташкил этган.

### Хулоса ва таклифлар.

Агар тижорат банкларининг кредит портфелидаги муаммоли кредитлар улуши ортиб боришда давом этадиган бўлса, бу банкларнинг ликвидлигига олиб келиб кейинчалик банкларни кризисга учрашига ҳам олиб келади.

Банк кредитлашда таваккалчилик(риск)ларни чегаралаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Адлия вазирлигида 2015 йил 13 августда 2709-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом”и ва 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ белгиланган меёр кўрсаткичларига риоя этилиши зарур.

Тижорат банклар кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтириши керак.

### Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Берч Карл. (2015) *Риск Аппетит: «Не откусывайте больше, чем можете проглотить»*. -[Электронный ресурс]. – Режим доступа: [https://www.cfin.ru/finanalysis/isk/Risk\\_Appetite.shtml](https://www.cfin.ru/finanalysis/isk/Risk_Appetite.shtml).

Кейнс М. (1936) “Общая теория занятости, процента и денег”.

Лаврушин (2014) *Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики* - 280 с.

Райзберг Б. (2006) “Современный экономический словарь”.

Фармон (2020) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”* ПФ-5992 фармони.

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси* ПФ-60.

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон-2030 стратегияси”* ПФ-158 фамони.